

Хатми Қуръонга марҳабо!



14:09 / 05.04.2024 2191

Бугун, 2024 йил 5 апрель оқшомида, 1445 йил Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасида юртимиздаги барча жомеларида бўлгани каби «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида ҳам Қуръони Карим хатмонаси ниҳоясига етказилади.

Барча азизларимизни қориларимизнинг гўзал тиловатларидан баҳраманд бўлишга, Қуръони Карим хатмининг якунини биргаликда тинглаб, хатми Қуръон дуосида ҳозир бўлишга таклиф қиламиз.

Бу ғанимат онларда, хатми Қуръондан кейинги дуоларнинг мустажоб бўлишидан, Қадр кечасида қилинган тавба-

тазарруларнинг қабул бўлишидан умидвор бўлган ҳолда, чин қалбдан, холис дуолар қилиб, барча ўтганларимизнинг руҳларини шод қилайлик, юртимизга, бутун дунёга тинчлик-хотиржамлик тилайлик, барча эзгу тилакларимизни сўраб, Аллоҳ таолога ёлворайлик.

Аллоҳ таоло Рамазон ойида қилинган барча тоат-ибодатларни, хатми Қуръонларни ҳусни қабул айлаб, дуоларимиз ижобат бўлишини насиб этсин!

Қадр кечасидаги Қуръон хатмонаси Тошкент вақти билан соат 20:45 да бошланади.

Хатмонамиз барча ижтимоий тармоқларимиз орқали эфирга узатилади.

<https://youtube.com/live/CSGG0W4v91c?feature=share>